

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 11 май, № 99 (7879)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ҚАМРОВИ ВА ТЕЗКОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 май куни давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги ислохотлар натижадорлигига оид тақдимот билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг Фармонида мувофиқ, 2018 йил 1 апрелдан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилиб, янги концепция асосида ишлашни бошлаган эди. Утган вақт мобайнида агентлик тизими такомиллашиб, хизмат қамрови кенгайиб борди.

Хусусан, энди иш бошланган пайтда хизмат турлари 37 та эди, бугунги кунда улар 157 тага етган. Аҳолига кўнрақ ўртача 57 мингтадан ортқ давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

Бунинг учун 117 та қонун ҳужжати ишлаб чиқилиб, соҳа ислох қилинди. 70 дан зиёд давлат хизматлари соддалаштирилди. Талаб этиладиган ҳужжатлар сони 221 тадан 95 тага, хизмат кўрсатишнинг умумий муддати қарийб 500 кундан 271 кунга қисқартирилди. Буларнинг барчаси аҳолига катта қўлайлик яратмоқда.

Худудларда давлат хизматлари марказлари учун 145 та янги бино ва 115 та филиал барпо этилди. Фуқаролик ҳолати далолатномалари архивидаги 60 миллион дана қоғоз шаклидаги маълумотлар тўлиқ рақамлаштирилди.

Шу билан бирга, хизматлар қамрови ва тезкорлигини ошириш учун ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам бор. Масалан, зарур маълумотлар тўлиқ рақамлаштирилмаганлиги сабабли атиги 11 фоиз хизматлар электрон шаклда кўрсатилмоқда. Ягона интерактив давлат хизматлари порталнинг мобил иловаси орқали 30 турда хизмат кўрсатиш мумкин, холос. Ундан атиги 11 таси интерактив хизматлар. Электрон идентификация тизими ҳамда электрон рақамли имзо билан ишлаш ривожланмаган.

Тақдимотда шу каби муаммолар ва уларнинг ечимлари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари соҳани янада ривожлантириш, аҳолига қўлайликларни ошириш бўйича устувор вазир-фаларни белгилаб берди.

Хорижий тажриба асосида, шу йил якунигача давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатилмаган хизматлар сонини 200 тага етказиш вазифаси қўйилди. Барча 716 та давлат хизматини инвентаризация қилиб, уларнинг мuddатлари, тўлов миқдорлари, шартлари ва бошқа талабларини соддалаштириш бўйича кўрсатма берилди.

— Давлат идораларининг халқимизга хизмати одамларни рози қилишнинг асосларидан бири. Қайси қишлоқда, маҳаллада қайси хизматга эҳтиёж борлигига қараб, шунга шароит яратиш керак. Қайси хизматларни арзонлаштириш, қайсиларини бепул қилиш масаласини таҳлил этиб, аҳолига енгиллик ва қўлайлик яратиш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Идораларо интеграция даражасини ошириш, бунинг учун давлат хизматларига тўловларнинг 20 фоизини ташкилотларнинг ахборот технологиялари тизимини ривожлантиришга йўналтириш, қоғоз шаклидаги архив ҳужжатларини рақамлаштириш зарурлиги таъкидланди. Электрон рақамли имзо билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари порталнинг мобил иловасини ривожлантириш, ноғиронлиги бўлган шахсларга тўловларда чегирма бериш чоралари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда маънавий қадриятларимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, буюк аждодларимизнинг бой илмий-маърифий меросида улуғланган, халқимиз томонидан асрлар давомида эъзозлаб келинаётган инсонпарварлик, шўқроналик, бағрикенглик, меҳр-оқибат ва саховат туйғуларини кўчатириш ҳамда муборак Рамазон ҳайитини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2021 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 13 май — пайшанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, мамлакатимизда 2021 йил 13 май Рамазон ҳайити байрами сифатида нишонлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги "2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчатириш тўғрисида"ги ПФ-6122-сон Фармонида ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги ПФ-6222-сон Фармони билан 2021 йил 14-15 май кунлари қўшимча дам олиш кунлари сифатида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ҳайитининг карантин талабларига мувофиқ, халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтказилиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 10 май

"Ҳаёт қонуниятига кўра, вақт ўтиши билан кўп нарса унутилади, эсдан чиқади. Лекин бу ёруғ дунёда улуг бир ҳақиқат борки, у ҳеч қачон ўзгармайди, ҳеч қачон эскирмайди. Яъни Ватан ва халқ озодлиги саодати йўлида мардлик ва жасорат кўрсатган инсонлар хотираси ҳамisha барҳаёт яшайди".

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

«ШОН-ШАРАФ» ДАВЛАТ МУЗЕЙИ: ДАВЛАТ МУЗЕЙИДАН — ХАЛҚ МУЗЕЙИ САРИ



Бундан роппа-роса бир йил илгари азим пойтахтимизда Президентимиз ташаббуси ва ғояси асосида муҳташам "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси очилгани бежиз эмас. Бинобарин, мажмуа "Матонат мадҳияси", "Мангу жасорат", "Кўз ёши" монументлари ҳамда "Шон-шараф" давлат музейи каби муҳим ёдгорлик объектларини қамраб олган.

Утган бир йил ичида, карантин шароитига қарамасдан, Ғалаба боғига 350 мингга яқин юртдошларимиз ва чет эллик меҳмонлар ташриф буюрди. Президентимиз эътироф этганидек, "Ғалаба боғи" қисқа мuddатда табарруқ зиёратгоҳга, турли учрашувлар, маънавий-маърифий, ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тадбирлар мунтазам ўтказиладиган кутлуг масканга айланиб қолгани барчамизни қувонтиради".

Бу ҳақда сўз борганда, "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси таркибиде бунёд этилган "Шон-шараф" давлат музейининг моҳияти ва аҳамияти ҳусусида алоҳида тўхталиш мақсада мувофиқдир. Бундан икки йил олдин, 2019 йил 9 май куни Президентимиз Ғалаба боғини барпо этиш орқали халқимиз қаҳрамонлигини абадийлаштириш ташаббусини илгари сурак экан, "Албатта, бу боғ ва унинг таркибиде бунёд этиладиган "Шон-шараф" музейини энг гўзал ва пухта ишланган лойиҳалар асосида яратамиз", деб таъкидлаганди.

Музей ташки ва ички қисмдан иборат. Унинг ташки қисми Ўзбекистонлик 301 нафар "Совет Иттифоқи Қаҳрамони" унвони, 74 нафар учала даражадаги "Слава"

("Шухрат") ордени ва 49 нафар генерал унвонига сазовор бўлган ҳамоўртларимизга доир маълумотларни ўзида жамлаган.

"Шон-шараф" давлат музейи тепалик кўринишида бўлиб, унинг атрофига ўзбекистонлик уруш қаҳрамонларига атаб дарахтар экилган. "Мангу жасорат" деб номланган мажмуада афсонавий ўзбек генерали Собир Раҳимов ва барча ўзбекистонлик ботир жангчиларнинг сўнмас хотираси ифодаланган. Музейнинг орқа томонида "Нурафшон" истироҳат боғи ўрин олган бўлиб, ушбу худуд Ғалаба боғининг яхлит концепциясига мувофиқ "Шўқроналик худуди"ни ташкил этади.

ҲАФТАНИНГ ҚИЗГИН ТАДБИРЛАРИ

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг навбатдаги брифинги ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари — Президент Матбуот котиби Шерзод Асадов ўтган ҳафта давлатимиз раҳбари иштирокида ўтказилган ҳамда шу ҳафта давомида қўллаётган расмий тадбирлар ҳақида ОАВ вакилларига маълумот берди.

Брифинг

Хусусан, ўтган ҳафта бошида давлатимиз раҳбари ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик ишларига оид тақдимот билан танишгани айтиб ўтилди.

— Бу мусобақаларга тайёргарлик учун федерацияларга ҳамма шароитлар яратилган эди, — деди Ш. Асадов. — Юқори маънавли мураббийлар, жумладан, чет эллик мутахассислар жалб қилинди. Хорижда 300 дан ортқ ўқув-машғулотлар ташкил этилиб, спортчиларимиз 600 дан зиёд халқаро мусобақаларда қатнашди. Лекин эришилган натижалар яратилган шароитларга умуман мос эмас. Тақдимотда Президентимиз бу ҳолатни қаттиқ танқид қилди.

Брифингда таъкидлангани—

дек, бугунги кунгача спортчиларимиз ёзги Олимпия ўйинларига 13 та спорт тури бўйича 41 та йўлланмани қўлга киритган. Май — июль ойлариде саралаш мусобақаларида янада кўпроқ йўлланма олиш керак. Давлатимиз раҳбари уларда қатнашадиган спортчиларга қўшимча шароитлар яратиш, руҳан қўллаб-қувватлаш, умуман, спортчилар учун хизматларни кўчатириш бўйича топширқлар берди. 2024 йилда Францияда бўладиган Олимпия ҳамда 2025 йилда Ўзбекистонда ўтказилиши режалаштирилган Осиё ўйинларига ҳозирдан замин яратиш зарурлигини қайд этди.



ОДАМЛАР РОЗИЛИГИ — ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР САМАРАСИ

Аввал хабар қилингандек, Олий Мажлис Сенати аъзолари худудларда бўлиб, аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар ўтказди, уларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш чораларини кўрди. Шунингдек, учрашувлар жараёнида Сенатнинг ўн тўртинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва бошқа ҳужжатлар мазмун-моҳияти ҳамда уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрни ҳусусида маълумотлар берилди.

Ўрганиш

Меҳрибонлик уйлари битирувчилари учун ўқув-тренинг

Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида пойтахтимиздаги 21, 22 ва 23-сон Меҳрибонлик уйлари битирувчилари учун қисқа мuddатли ўқув-тренинглар ўтказилди.

Таъкидланганидек, юртимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат етим болалар ва ота-она қарамогисиз қолган болалар муаммоларини ҳал этишда ўз самарасини бермоқда. Шунга қарамай, Меҳрибонлик уйлари тарбияла-

нувчиларини мустақил ҳаётга ижтимоий-психологик мослаштириш масалалари долзарблигича қолмоқда. Ўқув-тренингларда мутахассислар томонидан болаларнинг ўзлигини англашга, ҳаётий режаларини тузиш ҳамда амалга оширишга қаратилган кўникмаларни шакллантириш юзасидан дарслар ўтилди. Қолаверса, тренинг давомида бир гуруҳ битирувчиларга репродуктив ва руҳий саломатлигини сақлаш, зарарли одатлардан узоқлашиш ҳамда оилани режалаштириш каби соҳаларга доир билимлар берилди.

Мурожаат сохта экани аниқланди

Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси

аъзоси Фарҳод Боқиев Самарқанд вилоятининг чекка худудларига бориб, юқори палатага келган мурожаатларни ўрганди.

Хусусан, Жомбой туманидаги Эски Жомбой маҳалласи аҳолиси билан мулоқот ўтказди, бу ердаги 28-умумтаълим мактабидан тушган аризага таълим масканининг ўзида аниқлик киритилди. Яъни ушбу мурожаатда мактаб таъмир-талаблиги, қўлаш эҳтимоли борлиги баён қилинган бўлиб, уни бир қатор ўқитувчилар имзолаган. Аммо шикоят жойида ўрганилганда, таълим маскани биноси 2003 йилда қурилгани, ҳозирги пайтда унинг ҳолати яхши эканлиги, имзолар эса сохталаштирилгани маълум бўлди. Аризада номлари келтирилган фуқаролар билан учрашилганда, улар бундан хабари йўқлигини билдирди.



АЖДОДАРИМИЗ ЖАСОРАТИ ВА ҚАҲРАМОНЛИГИ МАНГУ ҚОЛАДИ

Хотира — ўтганларни эслаб туради, ўзликни англайди. Қадр — инсонни улуглайди, жамиятни безайди. Шу боис аждодлар хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган.

Муносабат

Мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида халок бўлганлар хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафимизда туриб, Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш, уларнинг кўнглини кўтариш, саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг шу йил 20 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Хотира ва Қадр-

лаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориде уруш қатнашчилари ҳолидан хабар олиш, юрт тинчлиги ҳамда озодлиги йўлида жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасини ёд этишдек эзгу мақсадлар ифодасини топган.

Мазкур ҳужжатларга мувофиқ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳар бирига 12 миллион сўм миқдорда пул муқофоти ва байрам совғалари тانتанали равишда топширилди.



Маърифатпарвар етакчи

Бундай туб ўзгаришлар республика олий таълими тизимида ҳам кузатиляпти, десам, айни ҳақиқатни

Ўзбекистон тараққиётнинг мутлақо янги ва сифатли йўлида дадил ҳаракатланмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан танланган мамлакатни ривожлантириш стратегияси ўтган қисқа давр ичида ўз самараларини берапти. Бугун мамлакат ташқи сиёсатида очиклик, шаффофлик, конструктивлик, яхши кўшниччилик тамойиллари янада аниқ, самарали намоён бўлмоқда.

«Халқ сўзи» учун эксклюзив

айтган бўламан. Қоғозда эмас, амалда шундай бўлаётгани бежиз эмас. Сабаби Шавкат Мирзиёев ўз лавозимига киришши билан илм-фан ва инновацияларга туташиб кетган "прогрессив релс"ларни танлади. Ушбу танлов улуг аждодларнинг бой мероси, қадриятларини асраб-авайлаш, замонавий ютуқлардан дадил фойдаланишни назарда тутди. Бу эзгу мақсад ўтган даврда ҳаётда ўз ифодасини топди, серкирралик касб этиб, одамлар онига, қалбига кириб борди, уларда ўзига, бугуни ва эртасига бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

Масалан, Шавкат Мирзиёев академиклар, олимлар, ўқитувчилар, шифокорлар, ёшлар билан доимо

мулоқот олиб боради. Бу оддий ва одатий ҳолга айланган.

Фаровонлик моҳиятига қаралса, зиёлилар ютуқларини муносиб рағбатлантириш қаторида, камчиликларини эшитиб, хал қилиб бериш ҳамisha мумин вазифа бўлиб келган. Пандемия шароитида эса бу масала ҳар доимгидан ҳам долзарбдир. Шундай экан, Ўзбекистон раҳбарини бугун маърифатпарвар ва инноватор лидер, прагматик бошқарувчи сифатида эътироф этишаётганининг ўзига яраша сабаблари бор.

Шу ўринда Москва университети ва академияси асосчиси, россиялик давлат арбоби Иван Шуваловнинг бир фикрини келтириб ўтиш ўринли. У "Барча яшшликлар маърифатли ақлдан келиб чиқади" деб бежиз айтмаган.

Янги Ўзбекистонда ана шу та-

мойил давлат, жамият ва халқ ҳаётида тобора чуқур ўрин олиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бундай ислохотлар билан нафақат яқиндан танишиб бораемиз, балки уларда яқин ҳамкор сифатида иштирок этмоқдамиз.

Келинг, шулар ҳақида кенгрок тўхталиб ўтсам. Ўзбекистонда олий таълимнинг барча учун баробарлиги, очиклиги принципи бирламчи этиб белгиланган. Шундан келиб чиқиб, бу ерда хориж университетлари филиаллари очилляпти, меҳнат бозори талабларига мос бўлган кўллаб янги мутахассисликлар, йўналишлар ташкил этилмоқда, сиртки ва кечки таълим йўлга қўйилган. Демак, олий ўқув юртларига аҳолини қамраб олиш кенгайиб бораётир.



ҲАФТАНИНГ ҚИЗГИН ТАДБИРЛАРИ

Шу билан бирга, Президентимиз раислигида чет тилларини ўқитиш тизимини такомиллаштириш бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

— Нима учун бу масала давлат раҳбари даражасида ўтказилди? Чунки ёшларнинг чет тилларини билиши ҳамма соҳалар ривожига асос бўлади, — деди Президент Матбуот котиби. — Мана, ҳозир ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликда заводлар, ташкилотлар, университетлар, клиникалар очилапти, технологиялар келиб қопляпти. Уларни ким ишлатади, технологияларни ким тушунади? Албатта, буларнинг билиши керак, бунга ҳаётнинг ўзи талаб қилапти. Ривожланган давлатларга борсангиз, ҳамма ёшлар хорижий тилларни билади. Бу бўйича камчилигимиз бугун барча соҳада сезилапти. Агар энди-энди эътибор бермасак, дунёдан орқада қолиб кетамиз.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг Россия Федерацияси Президентини Владимир Путин ҳамда Қозғоғистон Республикасининг Биринчи Президентини, Элбоси Нурсултон Назарбаев билан телефон орқали мулоқоти, шунингдек, Ғалаба боғига таш-

риф бўюриб, Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган байрам тадбирида иштирок этгани, «Шон-шараф» давлат музейида янги экспозициялар билан танишгани ҳақида айтиб ўтилди.

Шу билан бирга, брифинг-да жорий ҳафтада ўтказилиши кўзда тутилган муҳим тадбирлар тўғрисида ҳам маълумот берилди. Жумладан, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги ислохотлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар юзасидаги тақдимот ўтказилиши, шунингдек, ҳафта давомида соғлиқни сақлаш соҳасида рақамлаштириш жараёнлари ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириладиган лойиҳалар тақдими, худудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш масалалари бўйича видеоселектор ўтказилиши мўлжаллангани таъкидланди.

Халқро тадбирлар режасига кўра, шу ҳафтада Президентимиз Япония етакчилиги ҳамда минтақамиз мамлакатлари раҳбарлари билан мулоқотлар ўтказиш режалаштирилгани маълум қилинди.

Раҳим ШЕРКУЛОВ (Халқ сўзи).

«ШОН-ШАРАФ» ДАВЛАТ МУЗЕЙИ:

ДАВЛАТ МУЗЕЙИДАН — ХАЛҚ МУЗЕЙИ САРИ

Музейнинг кириш қисмида **Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Аликулов қаламига мансуб «Тошкент вокзали панорамаси» номли асарнинг 22 метрлик панноси илинган.** Ўзбекистоннинг Ғалабага қўшган ҳиссасини тўлақонли очиб бергани билан аҳамиятли бўлган ҳамда ғоят таъсирли ишланган ушбу маҳобатли тасвирий асарда фронтга йўл олаётган аскарларни кузатиш жараёни, фронт ортидан юкларнинг жўнатилиши, жонқур тиббиёт ходимлари, мухтасар айтганда, 1941 — 1945 йиллар давомидаги Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон ҳудудларидаги жараёнлар жонли акс эттирилган.

Музейнинг ички қисми икки қаватдан иборат. Биринчи қават 5 бўлимдан ташкил топган бўлиб, улар куйидагича номланган: **биринчи бўлим** — «Ўзбекистон аҳолисининг фронтга сафарбар этилиши. Жанг майдонларидаги жасорат»; **иккинчи бўлим** — «Ўзбекистон — фронт учун ишончли таянч қўргон»; **учинчи бўлим** — «Уруш йилларида Ўзбекистонда илм-фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, бадийий адабиёт, санъат ва матбуот»; **тўртинчи бўлим** — «Уруш ва ғалаба ҳақида хотиралар, халқнинг қувонч ва шодлиғи»; **бешинчи бўлим** — «Мардлар жасорати мангу яшайди».

Аждодларимизнинг урушдаги мардлиги ва жасорати — юксак намуна мактаби

«Шон-шараф» давлат музейининг биринчи бўлими 1939 йилда фашистлар Германиясининг Польшага бостириб кириши билан бошланган Иккинчи жаҳон уруши таъсирида Ўзбекистонда ялпи сафарбарлик жорий этилиши ҳақида ҳикоя қилади.

Музей экспонатларида «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвони, учала даражадаги «Слава» («Шухрат») ордени билан тақдирланган ўзбек жангчиларининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида атрофлича ҳикоя қилинган. Ўзбекистонлик 214 минг нафар аскар ва офицер жанг майдонларидаги жасорати учун жанговар орден ҳамда медаллар билан мукофотланган. Ўзбек жангчиларининг хорижий давлатлар ордени ва медаллари билан мукофотлангани тарихига музей залларидан алоҳида жой ажратилган.

Музейда ўша йиллари Ўзбекистондан фронтга сафарбар этилган **4 минг 555 нафар хотин-қиз жасорати ва матонатига доир тарихий ҳужжатларга кенг ўрин берилган.** Музейнинг ушбу бўлимида ёритилган яна бир янги мавзу урушда асир тушган, концлагерларда вафот этган ва бедарак кетган ватандошларимизнинг аянчли тақдирини билан боғлиқдир. **Урушда ўзбекистонлик аскарлардан 150 минг нафар асир тушган, 50 минг аскар концлагерларда вафот этган, 133 мингга яқин ватандошларимиз бедарак кетган.**

Бу бўлим экспозициясидан ўзбек хонадонларига юборилган «қора хат»лардан намуналар ҳам ўрин олган. Хусусан, **Голландиянинг «Амерсфорт» концлагерида 1942 йил 9 апрелда фашистлар зулми остида ҳалок бўлган 101 нафар ўзбек ўғлонининг фожиали қисмати ҳақидаги шу пайтгача ошқор этилмаган архив ҳужжатлари эълон қилинган.** Музейнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон фуқароларининг «Ишчи батальони»га сафарбар қилиниши тафсилотларига ҳам тегишли жой ажратилган. Чунки 1943 йилга оид ҳужжатларда кўрсатилишича, республикамиздан «Ишчи батальони»га сафарбар қилинганларнинг сони **155 минг кишидан иборат бўлган.** Бу юртдошларимизнинг ёши, асосан, **40 — 50** ва ундан ҳам юқори бўлиб, улар орасида **16 яшар ўсмирлар ҳам бор эди.**

Европа қитъаси халқларини фашизм балосидан қутқаришда ўзбекистонликларнинг иштироки салмоқли хисса бўлган. Умуман олганда, Европада «Қаршилик кўрсатиш ҳаракати»нинг фашистлар блокнини тор-мор келтиришда тугган аҳамиятли ниҳоятда каттадир. Бу ҳаракат аънаналаридан жаҳон халқлари Ер юзида тинчликни сақлаш, озодлик неъматини қадрлаш учун унумли фойдаланаётганини эътиборга олган ҳолда, музейда ушбу мавзу ҳам алоҳида эътибор билан ёритилган. Совет армияси фашизмга қарши курашда ғалабага эришган бўлса-да, Иккинчи жаҳон уруши хали тугамаган эди. Урушининг сўнгги ўчоғини Осёб қитъаси ва Тинч океани минтақасида тугатиш учун қўлай шароит туғилганди. Шу нуқта назардан, музейдан **Ўзбекистонлик жангчилар Квантун армиясини тор-мор келтиришга катта ҳисса қўшиб, Узок Шарк худудидagi бирча жангларда фаол қатнашганга доир муҳим экспонатлар ҳам ўрин олган.**

Музейдан ҳарбий тарих соҳасида энг кам ўрганилган, ammo тадқиқот ва изланишлар талаб этадиган дозпар масалалардан бири — ўзбекистонлик жангчиларнинг 1939-1940 йилларда бўлиб ўтган совет — фин урушидаги иштироки мавзусига бағишланган тарихий ҳужжатлар намойиш этилмоқда.

Хотира — муқаддас ва абадий

«Шон-шараф» давлат музейининг тўртинчи бўлими фашистлар Германиясининг сўзсиз таслими бўлиши; урушнинг ғалаба билан яқунлани-

Ўзбекистон — бағрикенг диёр

«Шон-шараф» давлат музейининг иккинчи бўлими фронт учун қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари ва техникалар етказилиши, иссиқ кийим-кечаклар, маблағлар тўпланиши, фронтга йўналтирилган энергетика ҳамда ёнилғи, иқтисодиёт фаолияти, тиббиёт, ўзбек аёлларининг фронт ортидаги заҳмати, кадрлар тайёрлаш соҳаси каби мавзуларга ажратиб чиқилган.

Музейнинг ушбу бўлимидаги экспозицияларда кўчириб келтирилганларни қабул қилиш ва ишга жойлаштириш бўйича амалга оширилган катта ишларнинг бутун кўлами кўрсатилган. Бинобарин, жанг бўлаётган худудлардан **Ўзбекистонга кўчирилган бир миллион 500 минг киши бошпана, кийим-бош ва озиқ-овқат билан таъминланган. Яна 250 мингдан зиёд етим болаларнинг катта қисмини ўзбек оилалари ўз бағрига олиб, фарзандларидек тарбиялаган.**

Уруш йилларида Ўзбекистонга мажбурий равишда кўчириб келтирилган корейслар, чеченлар, крим татарлари, мексехти турклари ва уларнинг фарзандлари бағрикенг ўзбек халқи томонидан илқ ҳамда самимий қутиб олинди, ҳар томонлама қўллаб-қувватланган.

Ўзбекистоннинг уруш йилларида умумиттиқоқ госпиталига айланishi билан боғлиқ музей экспонатлари ҳам диққатга молиқдир. Эвакуация қилинган госпиталларга Тошкент ва бошқа йирик шаҳарларимиздаги энг яхши бинолар ажратиб берилган. Зеро, 1942 йилнинг охирида Ўзбекистон худудига 129 та госпитал эвакуация қилинган.

Уруш даврида Ўзбекистонда 31 таветр мавжуд бўлиб, шундан 16 тасини эвакуация қилинган театрлар ташкил этган. 1941 йил охиридан — 1944 йилгача Ўзбекистон театрларида 203 та янги сахна асарини намойиш этилган, томонбинларга 13 минг 568 та спектакль ва концерт дастурлари тақдим этилган. «Шон-шараф» давлат музейида бу ҳақидаги қўллаб қизқарли экспонатлар орқали ўша даврдаги ижодий муҳит билан танишиш мумкин.

Тафаккури теран, гурур-ифтихори юксак халқни энгиб бўлмайд

«Шон-шараф» давлат музейининг учинчи бўлимидаги экспонатлар Иккинчи жаҳон уруши даврида яшаган маданият аҳли, ижодкорлар, олимларнинг айрим ижод намуналари ва кашфиётларига бағишланган. Бу соҳадаги ютуқлар ҳарбийларимизда душманин тор-мор этиш ҳамда ғалабага эришишга мустаҳкам ишонч уйғотган. Музей экспозицияларида уруш йилларида



ши; Ғалаба қувончлари ва тантаналари; уруш хотиралари; Нюрнберг суд жараёни акс эттирилган эпизодлар; уруш иштирокчилари ва фронт орти фахрийлари ҳақидаги экспозициялардан иборат.

Музей экспозициясидан ўрин олган Ғалабанинг 75 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси» номли салмоқли китоб-альбом, «Мард ўғлонлар номи барҳаёт» китоби ва унинг асосида суратга олинган кўп қисмли ҳужжатли фильмга доир лавҳаларни алоҳида аҳамиятга эга экспонатлар сифатида эътироф этиш мумкин.

Бу йилги байрам арафасида, Президентимиз ўз нуқтида эътибор қаратганидек, ушбу ишларнинг узвий давоми бўлган «Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида» ва «Ғалаба боғи фалсафаси» номли китоб-альбомлар чоп этилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бундан ташқари, музейда уруш йилларида Ўзбекистонда тузиллиб, фронтга юборилган ҳарбий қисм ва бўлимларнинг 40 дана жанговар байроғи сақланмоқда. **Тарихий бебахо қадрият — Ғалаба байроғининг нусхаси ҳам шу ердан жой олган.**

Инсон — азиз, хотира — муқаддас

Музейнинг бешинчи бўлимида жангдошларда мардлик намуналарини қўриқиб жон фидо этган ота-боболаримизнинг ёрқин хотирасини абадийлаштиришга қаратилган урушдан кейинги давр тадбирлари ҳақида ҳикоя қилинган.



республикада мавжуд бўлган 34 та олий, 12 та олий ҳарбий, 52 та ўрта махсус таълим муассасалари, 9 та илмий-тадқиқот институти фаолияти ҳамда санъатнинг театр, кино ва концерт соҳаларига, шунингдек, Ўзбекистонга эвакуация қилинган 34 та олий ўқув юртига доир маълумотлар акс эттирилган. Бу ўқув юртларида уруш йиллари давомида **11 минг 750 нафар юқори малакали мутахассис ҳамда 6 минг 673 нафар кадр тайёрланган.** Музейдаги Ленинградда қамал пайтида **Алишер Навойнинг 500 йиллигига бағишланган илмий конференция ўтказилгани** билан боғлиқ тарихий ҳужжатлар, китоблар ва фотолар қишқинчи бефарқ қолдирмайди.

Республикамизда уруш йилларида нашр қилинган матбуот, журнал ва китоблар, хусусан, турли фронтларда ўзбек тилида чиқарилган газеталар ҳақида материаллар намойишга қўйилган. Таниқли шоир ҳамда ёзувчилар, санъаткорлар, олимларнинг жанг майдонларидаги уршувлари ва маданий қишқирларига бағишланган стендлар ташкил этилган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек тилида чоп қилинган 13 та фронт газетаси ҳамда 3 та дивизия газеталарининг асл нусхалари сақланмоқда.

Хотира — муқаддас ва абадий

«Шон-шараф» давлат музейининг тўртинчи бўлими фашистлар Германиясининг сўзсиз таслими бўлиши; урушнинг ғалаба билан яқунлани-

ОДАМЛАР РОЗИЛИГИ — ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР САМАРАСИ

Масала туман Кенгаши сессияларида қайта кўрилади

Халқро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Анвар Тўйчиев халқ депутатлари Гулистон шаҳар ҳамда Гулистон, Мирзаобод ва Оқолтин туманлари Кенгаши депутатлари билан учрашди. Уларда Сенатнинг ўн тўртинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва кўриб чиқилган масалалар юзасида батафсил маълумот берди.

Шу билан бирга, Сенат аъзоси парламентнинг юқори палатасига келиб тушган мурожаатлар юзасидан ҳам ўрганишлар олиб борди. Сардоба сув омбори тоқшини натижасида зарар қўрган Мирзаобод ва Оқолтин туманларидан қилинган мурожаатлар юзасидан фуқаролар билан учрашди. Баён этилган масалалар туман Кенгаши сессияларида қайта кўриб чиқиладиган бўлди.

Иштирокчиларнинг фикрлари тингланди

Бойсун туманида Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси Одилок Иминов ҳамда сенатор Бахтигул Бўтаева иштирокида семинар ташкил этилди.

Унда парламент юқори палатасининг ўн тўртинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳияти очиб берилди. Айни чоғда шу масалалар юзасидан иштирокчилар фикрлари тингланди. Билдирилган жўяли фикрлар қонунлар ижросида асқатиши ҳисобга олиниб, улар асосида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Фахрийлар ҳолидан хабар олинди

Олий Мажлис Сенати ва Жиззах вилояти ҳрқимлиги, тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ҳудудда истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари Анна Лазарева ҳамда Вера Толпеева ҳолидан хабар олинди. Жиззах шаҳар ҳожими, сенатор Комил Холмуродов фахрийларга Президент табригини ўқиб эшиттирди, байрам совғаси ва бир марталик пул мукофоти тантанали равишда топширилди.

Мактаб қуриладиган бўлди

Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси Наримон Умаров Қарши, Муборак, Қоттон туманлари ҳамда Қарши шаҳрида аҳолини қийнаб келётган муаммоларни мутасаддилар билан биргалликда ўрганди.

Фуқаролар, асосан, уй-жой ажратиш, ишга жойлашиш, кредит олиш, ер майдони ажратилиш каби бир қатор масалалар бўйича мурожаат қилган бўлиб, сайёр қабул давомида уларнинг асарияти хал этилди. Масалан, Муборак туманидаги «Истиқлол» МФЙ фуқаролари янги мактаб қуриш бўйича мурожаат қилган эди. Бу масала ижобий ечим топди, яъни 660 ўринли мактаб биноси қурилиши 2021 йил Давлат дастурига киритилди ва у 2022 йил 1 январга қадар ишга туширилади.

«Халқпарвар» комиссияга блогерлар жалб этиладими?

Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаев Бектемир ва Яшнобод туманлари Кенгаши депутатлари билан учрашди. Уларда Сенат Кенгаши қарорлари ижроси, маҳаллий бюджет маблағлари сарфланishi жараёнида жамоатчилик иштирокини таъминлаш ҳамда минтақавий йўллари ривожлантириш учун ёқилги бирлигини ўндириладиган махсус йиғини белгиланди, Сенатнинг ўн тўртинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар, шунингдек, «Халқпарвар» комиссиялар фаолиятига қўллашчи борадида фикрлар билдирилди.

Хусусан, «Халқпарвар» комиссия таркибини шакллантириш, унинг асосий вазифалари ҳамда ишлаш механизми ҳақида атрофлича фикр юритилди. Комиссия фаолиятига блогерларни жалб этиш алоҳида таъкидланди. Шаффофлик ва адолат комиссия фаолиятининг асосий йўналиши бўлиши кераклиги билдирилди.

Сайёр қабул ўтказилди

Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари кўмитаси раиси Борий Алихонov Тахياتов ва Қораўзақ туманларида қатор учрашувлар ўтказди.

Уларда парламент юқори палатасининг ўн тўртинчи ялпи мажлисида кўрилган масалалардан ташқари, Сенат Кенгашининг шу йил 22 апрелдаги «Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланishiда жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида»ги қарори ва ушбу қарор билан тасдиқланган намунавий низом ҳақида ҳам сўз юритилди.

Шундан сўнг фуқаролар мурожаатларини ҳал қилиш мақсадида сайёр қабул ташкил этилди.

«Халқ сўзи».



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

«Шон-шараф» давлат музейи: ривожлантириш бўйича янги ташаббуслар

Давлатимиз раҳбари 2021 йил 9 май куни яна бир муҳим таълим ва туризм масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Анвар Тўйчиев халқ депутатлари Гулистон шаҳар ҳамда Гулистон, Мирзаобод ва Оқолтин туманлари Кенгаши депутатлари билан учрашди. Уларда Сенатнинг ўн тўртинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва кўриб чиқилган масалалар юзасида батафсил маълумот берди.

Шу билан бирга, Сенат аъзоси парламентнинг юқори палатасига келиб тушган мурожаатлар юзасидан ҳам ўрганишлар олиб борди. Сардоба сув омбори тоқшини натижасида зарар қўрган Мирзаобод ва Оқолтин туманларидан қилинган мурожаатлар юзасидан фуқаролар билан учрашди. Баён этилган масалалар туман Кенгаши сессияларида қайта кўриб чиқиладиган бўлди.

Иккинчи ташаббус — «Шон-шараф» давлат музейи жонли, ҳаётий музей бўлиши керак.

Аваллабор, тарихий ашёлари ва нодир ҳужжатлари намойиш этилаётган қаҳрамонларнинг нева-эваралари ҳам бу ерга доим келиб турсин, зияратчилар билан учрашсин. Қолаверса, музейда Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган ўзбекистонликлар ҳақидаги маълумотлар, ўша давр руҳини тўлиқ ҳис этишга имкон берувчи турли осорياتиқа ва жиҳозлар жамланган. Ушбу экспонатларнинг ярмидан кўли юртимизнинг турли худудларида яшовчи аҳоли томонидан тақдим қилинган бўлиб, ана шу жараёни янада рағбатлантириш тақозо этилади. Бугунги кунда музейда, Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, 12,5 мингга яқин экспонатлар тўпланган бўлиб, уларнинг сони тобора ортиб бормоқда.

Учинчи ташаббус — «Шон-шараф» давлат музейи ҳақиқий халқ зиёратгоҳи бўлиши учун барча зарур чораларни кўриш даркор. Утган бир йилда 180 мингдан ортиқ зиёратчилар ташриф буюргани, қоронғиларни шароитига қарамай, ташрифлар сони кўпайиб бораётгани ижобий ҳолдир.

Тўртинчи ташаббус — «Шон-шараф» давлат музейи ёш авлодимизни ҳарбий-ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбияладиган халқлик ҳамда замонавий маърифат максагани айланishi зарур. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, музей замонавий санъат ва ахборот-коммуникация технологияларининг энг илғор ютуқлари асосида бунёд қилинди. Ғалаба боғининг очилиши тими солида уруш қурбонларини хотирлаш, жангдошларда қон кечган ҳамда фронт ортида ҳалол меҳнат қилган жасоратли ва матонатли юртдошларимизни қадрлаш, уларга эҳтиром ҳамда эъзоз қўриш фаилати ўзининг янги, тубдан юксак поғонасига кўтарилди. Хусусан, музейнинг таъсирчан экспонатлари бу фикримизни яққол тасдиқлайди.

Бешинчи ташаббус — «Шон-шараф» давлат музейи тарих ва ҳаётнинг бирдамлигини тиклашга хизмат қилиши лозим.

Бу ерда намойиш этилаётган тарихий ашёлар, кўллаб ноёб ҳужжатлар Ўзбекистон халқининг жасорат ва матонати, бағрикенглиги ва меҳр-оқибати, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабага қўшган улкан ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилишни акс эттирадиган янги илмий-маърифий, адабий-бадий асарларни мунтазам чоп қилиш зарур.

Хулоса ўрнида айтганда, «Шон-шараф» давлат музейини келиб кўрадиган, умуман, аждодларимиз жасорати ва матонатига доир фильмларни томоша қиладиган, айни мавзудаги китобларни ўқиб борадиган ҳар бир киши ватанпарвар бўлиб камол топишига шубҳа йўқ. Зеро, Ғалаба боғини барпо этишнинг замирида ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш мақсади муҳимдир. Шунинг учун Президентимиз ушбу масканни «**Ноёб маънавий, меъморий ва тарихий обида**», дея тасвифлагани бежиз эмас.

Акмал САИДОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари.

Эҳтиром

Бир ниҳол экинги Ватан боғига...



Абдусайд Кўчимов дейилса, кўз ўнгимга баҳор чоғи саман отини миниб, Ургу тугларидан тушиб келётган ўғлон келади.

У кишлоқдагиларга ҳар йили баҳорни шу тарихқа совға қилади. У тоғнинг қаерида шифобахш гиёҳлар борлигини билади. Лолалар қаерда кўп бўлишини шор сезгиси ила сезади.

Бошида осмону, қошида кўш, Тасвиригиз чизолмай мусаввир ҳалак. Шоир сўз ҳаётини қотиради бош, Булоқдек қайнайди ошқурта юрак.

Юксакда, тоғлар бағрида унинг боши оппоқ булутларга тегиб турди. Минг кўзли булоқлар минг турли эртақлар сўзладилар унга.

Бир ниҳол экинги Ватан боғига, Мехрини тўқини қўл, янтоғига, Гулларга чанг-губор кўнган чоғида Арта биллодини чангу губорни — Десалар, юртдошим, жавобинг борми?

Шоир қалби — Ватан учун очилган муҳаббат гулларининг масканидир. Шоирнинг томирлари Ватанинг жон томирлари ила туташиб кетган.

Айнан Абдусайд Кўчимов ижодининг бирор лаҳзасини Ватан мавзусидан айро топмайси.

Абдусайд Кўчимов мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида раҳбар бўлиб узоқ йиллар муваффақиятли ишлади ва ишлаяпти.

“Азизим, кишининг ақли, одоби, заковати унинг лаёқати ва қобилиятининг мезонидир. Кишининг ақли равшан, фикрлаш қобилияти юксак бўлса, у энг паст лавозимдан энг юқори, шарафли мансаб сунпасига кўтарилади”.

Файласуф Дизраэли эса “Мен совун кўпиги суртилган симиёғоч устунга чиқиб олдим”, дер экан, мансаб курсисини бир ноҳўя ҳаракат натижасида йиқилиб кетиш хавфи билан яшаш деяр тасвирлайди.

Унинг қалби шоирлигича қолди. Унинг туйғулари шоирлигича хиёнат қилмади. Барибир, менинг назимда у табиат гулларга бурканган фаслда саман отига миниб, элимизга баҳор ва бахтиёрлик хабарини бўлиб қолади.

Зулфия МҲМИНОВА, шоир.

ЭТИРОЗГА ЎРИН ҚОЛМАДИ

Жондор туманида ўтказилган сайёр қабулларда Ўзбекистон қишлоғи вакиллари “Хаммаси яхшию аммо бир масалада эътирозимиз бор”, дея ҳудудда мактабгача таълим ташкилотини йўқлигидан шикоят қилишди.

Таълим Уларнинг муҳожаатлари инобатга олинди. Қишлоқда кўшқаватли замонавий мактабгача таълим ташкилотини биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. 29-сонли мазкур муассаса 90 ўринга мўлжалланган бўлиб, барча қулайликка эга — шинам ва кўржам. 2 миллиард 343 миллион сўм эвазига барпо этилган ушбу муассаса ишга тушиши билан тумандаги мактабгача таълим ташкилотлари сони 110 тага етди.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИНТЕГРАЦИЯСИГА ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА ҚАРАМОҚДА

Келажакка дахлдор стратегик соҳа

Нега шундай қилинапти? Боиси олий таълим — мамлакат келажагига дахлдор стратегик соҳа. Бу теорема эмас, балки аксиомадир. Шундай экан, тизимда бирор янгилик қилишнинг ўзи катта масъулият ва жиддий фидойилик талаб этади.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқилса, Ўзбекистонда 2019 йилдаёқ олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилингани юксак баҳолаш мумкин. Мазкур долзарб ҳужжат билан яқиндан танишиб чиққанида, унда мамлакат тараққиётига дахлдор барча долзарб йўналишлар қамраб олинганга амин бўлдим.

Концепциянинг энг катта ютуғи унинг мақсадига ақс этган. Республикада олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, муваффақиятли кадрларни тайёрлаш, олий таълимни модернизация қилиш, илгор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш шулار жумласидандир.

Мақсаднинг моҳияти унга эришишда

Бинобарин, бугунги кунда мамлакатдаги олий ўқув муассасаларини “Quacquarelli Symonds World University Rankings”, “Times Higher Education”, “Academic Ranking of World Universities” каби халқаро эътироф этилган ташкилотлар рўйхатида киритиш бўйича олиб борилаётган ишлар эътиборга лойиқ.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёни босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказилаётгани, билим беришда амалий кўникмаларни шакллантириш устувор аҳамият касб этаётгани ҳам оптимал ҳолатдир. Яна бир ижобий тарафи ОТМларнинг академик мустакиллигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган амалий ишлар билан боғлиқ. Шуларга мос равишда олий таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан устувор манфаатли ҳамкорлиги йўлга қўйилмоқда.

Англаш мумкинки, республика ўз олий таълим тизимини Марказий

Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи “хаб”га айлантиришга жиддий киришган. Минтака юраги ҳисобланган мамлакатда бунинг учун барча имконият мавжуд. Мухими, шу бўйича ички ва ташқи потенциал уйғунлаштирилмоқда.

Ижтимоий адолатга асосланган тизим

Ўзбекистонда ҳар йилга ном берилган ва шу бўйича давлат дастури қабул қилинади. Дастурларда ёшлар масаласига, албатта, катта эътибор қаратилади. Бу ўрнатилган арзишдиқларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли салооматлигини муҳофазатлаш йили деб номланибди. Ҳамкасбларнинг айтишича, келгуси ўқув йилдан бошлаб олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган 200 нафар ёш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти гранти жорий этилади, икки ва ундан ортиқ фарзанди шартнома асосида ўқиётган оилаларга таълим кредити берилди.

Ўқурида айтиб ўтганимдек, Ўзбекистон олий таълим ислохотларида халқаро ҳамкорлик масаласига алоҳида аҳамият қаратилди. Буни Россия билан маърифий муносабатлар тобора кенгайиб бораётгани мисоллида ҳам айтиш мумкин. Тан олишимиз керак, 2016 йилгача таълим жабҳасидаги алоқалар бир жойда депсиниб, деярли тўхтаб қолган эди.

Интеграция — устувор вазифа

Айнан бундан беш йил аввалдан бошлаб эса олий таълим йўналишидаги ҳамкорликда мутлақо янги босқич старт олди, ўзаро интеграция жонланди ва ўртача суръат даражаси шиддатга айланди.

Хозирги кунда Ўзбекистонда Россиянинг 12 та олий таълим муассасаси филиали фаолият юритаётгани ҳам шундан далолат беради. Ваҳоланки, 2016 йилгача уларнинг сони бор-йўғи тўртта эди.

Айни пайтда Тошкент шаҳрида М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, И. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети, Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, “Д.И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети” Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси, Олмалиқда Россия Миллий технологик тадқиқотлар

университети — МИСИС, Самарқандда Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети, Тошкент вилоятида Астрахань давлат техника университети филиаллари фаолият юритмоқда.

Қолаверса, Москва шаҳридаги ядро тадқиқотлари, муҳандислик-физика соҳасига оид институтларда ўзбекистонлик талабалар учун “Ядровий энергетика ва иссиқлик физикаси” ҳамда “Ядро физикаси ва технологиялари” мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Тошкент шаҳрида кинематография соҳасининг малакали кадрларини тайёрлаш бўйича С. А. Герасимов номидаги БутурРоссия давлат кинематография институти (БКДИ) қўшма факультети очилди.

Буларнинг барчаси икки давлат раҳбарлари иштирокида ўтказилган олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувлар самарасидир. Ва Россия олий ўқув юрларининг Ўзбекистондаги филиалларини ташкил этиш ва тартибга солиш бўйича ҳукуматлараро комиссияси битими

амалда эканлигини аниқлади. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ўттиздан ортиқ олий ўқув юрларида Россиянинг элиқам яқин олий таълим муассасалари билан қўшма дастурлар асосида кадрлар тайёрланаётгани, икки давлатдаги 70 дан ортиқ университет ва институтлар ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйгани ҳам фикримни тасдиқлайди.

Янги иқтисодиёт учун — янги кадрлар

Бундан 2018 йилда Владимир Путиннинг ташрифи доирасида “Ўзбекистон — Россия таълим форуми” ўтказилгани ҳам катта роль ўйнади. “Янги иқтисодиёт учун — янги кадрлар” мавзусида ташкил этилган мазкур тадбир икки давлат маърифий ҳаётида муҳим воқеага айланди, деб бемалол айта оламиз.

Унда ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариш бўйича юздан ортиқ шартномалар имзоланганди. Булар шартномаларнинг олий таълим муассасалари билан қўшма дипломлар (“Double degree”) дастурлари асосида талабаларни ўқитиш, факультет ва кафедралар филиалларини ташкил қилиш, ўқитувчилар малакасини ошириш, мақсадли илмий излашлар олиб бориш, ўқув ҳамда илмий адабиётлар алмашиш, янги ҳамкорлик

алоқаларини йўлга қўйишга хизмат қилмоқда.

Қолаверса, форумда Ўзбекистон ва Россия олий таълим тизимидаги ўзаро кооперация алоқаларини янада кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича яқиний резолюция қабул қилинди. Бу ҳам соҳада ўзаро стратегик шериклик йўлга қўйилганидан далолатдир.

Шунга яраша Россияда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар сони ортиб бораётгани, уларнинг сони 30 мингдан ошганини ҳам мамнуният билан қайд этишни истардим.

Ҳамкорлик самарали давом этмоқда

Икки мамлакат ўртасидаги олий таълим интеграциясида Урал давлат иқтисодиёт университети ҳам фаол қатнашишга интиломоқда. Чунончи, бу йўлда Тошкент давлат иқтисодиёт уни-

верситети билан самарали ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган бўлиб, қатор лойиҳалар амалга оширилди, қўшма таълим дастурлари мувофиқлаштирилмоқда.

Хусусан, апрель ойида Россия Федерацияси делегацияси таркибидан Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “ИННОПРОМ” халқаро саноат кўргазмасида қатнашди.

ТДИУ раҳбарияти билан эса бакалаврият дастурлари учун кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорлик истиқболлари, магистрлик дастурлари, талаба-лар алмашишуви, қўшма дарслиқлар ва илмий мақолаларни нашр этиш, шунингдек, тадқиқот фаолияти билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Учрашув якунида янги 2021/2022 ўқув йили учун бакалавр дастури бўйича

Хулоса ўрнида айтганда, Ўзбекистоннинг олий таълим тизимидаги туб ислохотлар Россия билан ҳамкорлик алоқаларига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бундан хурсанд бўлган ҳолда, ўзаро таълим ришталари қанчалик мустаҳкам бўлса, фикрлар, гоғлар ва инновациялар алмашиш шу қадар тезлашади, деб ишонамиз.

Бинобарин, Ўзбекистон учинчи Ренессанс эришиши мақсад қилган экан, бунда олий таълим интеграциясига урғу бераётганини фақат ва фақат қутлаш мумкин.

Яков СИЛИН, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор. «Халқ сўзи».

«АГРОБАНК»НИНГ МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ УСЛУБИ



Олтиариқ туманида ўз натижасини кўрсатмоқда

Фаргона, хусусан, Олтиариқ деганда, кўпчиликнинг кўз ўнгига унмудор туپроқ билан дўст тутилиб узум, бодринг, турп етиштирган, қиш бўлишига қарамай, эл дастурхонига сархин маҳсулотларни пешма-пеш тортиқ қилаётган миришкор деҳқон гавдаланиши рости. Яқинда “Агробанк” АТБ томонидан шу йилнинг ўтган даврида қилинган ишлар билан танишув мақсадида Олтиариқ туманига оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ташкил этилган пресс-турда айни шундай маҳаткаш инсонлар иши ҳамда молия муассасасининг маҳаллабай ишлашдаги иштироки ўрганилди.

Молия муассасаларида

Ҳап шундаки, “Агробанк”га республика миқёсининг 17 та тумани бириктирилган бўлиб, банкнинг доимий вакиллари маҳаллалар кесимида уйма-уй юриб, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш орқали юртдошларимизнинг даромадини оширишга кўмаклашмоқда.

Олтиариқнинг “драйвер” соҳаси, бу — узумчилик. Шу боис молиялаштирилган лойиҳалар ҳажмининг асосий улуши узумчилик кооперациялари ҳиссасига тўри келади.

Олаими, мисол учун, ҳозир қарамни узум оляпмиз, шундан сўнг помидор, ерёнғоқ, кейин кўклатлар етиштирамиз, — дейди “Файзлибоғлар сари” кооперацияси раҳбари Сардор Ҳақимов. — Ёшларни иш билан таъминлашга ҳам ҳисса қўлиш учун 50 нафар ёшнинг ҳар бирига 12 сотихдан ер ажратдик. Шунингдек, уларга зарур кўчталар ва маҳаллий ўғитлар ҳам етказиб берамиз. Эвазига эса етиштирилган маҳсулотни ўзимиз сотиб оламиз.



Олтиариқдаги 295,8 гектар майдон ер ажратиш бўйича танловга қўйилиб, бугунги кунда 268 фуқарога Бўрбонлиқ ва По-вулгон даҳаларида 10 сотихдан, Янгибод даҳасида 16 сотихдан ер майдонлари ажратиб берилди. Бундан, аввало, “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларнинг ишли бўлиши, манфаати кўзда тутилган.

Япония ҳамда Украинага экспортни бошлади. “Аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”га кирган ўндан ортиқ қишлоқдошларимизни иш билан таъминлади. Ҳўжаликда айни вақтда “Агробанк”дан олинган кредит ҳисобидан узоқ йўлга қатновчи ҳайдовчилар учун меҳмонхона қуриш, янги тоқзорлар барпо қилиш борасида ишлар олиб боришмоқда.

Advertisement for Agrobank with contact information, phone numbers, and address details.